

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ
ХУЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ
МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**«Хаёт фаолияти хавфсизлиги»
кафедраси**

«Хаёт фаолияти хавфсизлиги» фанидан



Мавзу:

«Инсон меҳнат фаолиятининг физиологик-гигиеник асослари. Инсон меҳнат фаолиятига таъсир этувчи салбий омиллар, уларнинг турлари, мохияти ва ҳимояланиш усуллари»

Режа:

1. Меҳнат гигиенаси хақида тушунча.
2. Меҳнат гигиенасининг вазифалари.
3. Меҳнатни илмий ташкил қилиш.
4. Хавфли ва зарарли омилларнинг таснифи.
5. Ишларни оғирлиги ва зарарлиги бўйича таснифи.
6. Ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касалликларнинг сабаблари.

Иш жараёнларининг ва атроф-мухитнинг ишчилар **организмига таъсирини урганадиган фан меҳнат гигиенаси** дейилади.

Меҳнат гигиенасини қўллаш натижасида - қулай иш шароитларни ярата оладиган, меҳнат унумдорлигини ошира оладиган, касбий касалликларни камайтира оладиган ёки бутунлай йук кила оладиган санитария, гигиена ва даволаш профилактик тадбирлари ишлаб чикилади.

Меҳнат гигиенаси - тиббий профилактика соҳаси бўлиб, иш қобилиятини юксак даражада таъминлаш, касб касалликлари ва одамнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ бошқа салбий оқибатларнинг олдини олишнинг илмий асосларини ва амалий чораларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Мехнат гигиенаси таъминлайди

- - Қулай меҳнат шароитини яратиш;
- - Юқори меҳнат унумдорлиги ошириш;
- - Касбий касалликларни камайтириш.

Меҳнат гигиенаси кишининг иш фаолиятини, иш шароитларини ҳамда ишлаб чиқариш жараёнини ва ишлаб чиқариш омилларини унинг организмига таъсирини урганadi. Шу маълумотлар асосида иш шароитларининг санитар-гигиеник нормаларини яхшилаш учун тавсияномалаор ишлаб чиқилади.

Тўғри ташкил этилган **меҳнат** кишининг жисмоний, интеллектуал ва маънавий камол топишига олиб келади. Жамиятда у нафақат моддий фаровонлик, балки одамнинг тетиклик манбаи ҳамдир. Бирок меҳнатнинг ижобий таъсири билан бирга баъзи ҳолларда салбий оқибатлари ҳам бўлиши илгаридан кузатилган. Бу меҳнат фаолияти натижаларини камайтириб ва сифат жиҳатдан пасайтирибгина қолмай, балки касбга алоқадор касалликларни ҳам вужудга келтириши мумкин.

➤ **Меҳнат гигиенасининг асосий вазифаси** иш унумдорлигани энг **юқори** даражада ошириш ва ишловчиларнинг соғлигига зарарли **таъсир** қилмайдиган шароитларни таъминлайдиган тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат. Бунда меҳнат гигиенаси касбий касалликлар, юрак-томир, онкологик ва асаб касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

➤ **Бу вазифаларни ҳал қилишнинг асосий йўллари:**

Гигиеник йўналиш:

- саломатлик ва иш қобилиятига таъсир қиладиган ишлаб чиқариш муҳити омилларини меъёрлаш;
- ишлаб чиқариш муҳитидаги зарарли омилларни камайтириш ва йўқотиш йўли билан меҳнат шароитларини соғломлаштириш.


Физиологик йўналиш

иш жойи, асбоблар, машина ва жиҳозларни физиологик талабларга мувофиқ ҳолда бўлишига эришиш;

- меҳнат ва дам олиш режимларини жорий этиш;
- меҳнатнинг жисмоний оғирлигини камайтириш, физиологик жиҳатдан етарлича ҳаракат фаоллигини таъминлаш;
- меҳнатнинг ақлий ва эмоционал толиқгирилишини камайтириш.

Психологик йўналиш

- пульта ва машиналар, механизмлар тизимларини бошқариш учун бошқа воситалар ихтиро этишда руҳий талабларини ҳисобга олиш (муҳандислик руҳияти);
- касб танлашда ва касбий талабларга мувофиқ ҳолда шахснинг руҳий хусусиятларини ҳисобга олиш;



жамоаларда қулай руҳий кайфият яратиш,
ишловчиларнинг меҳнатдан ва унинг натижаларидан
юқори манфаатдор бўлишларини таъминлаш бўйича
тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.

Эстетик йўналиш

- ▶ интерерларни безатишда, ускуналарни жойлаштиришда, ранглар билан безатишда ва бошқаларда ишлаб чиқариш эстетикаси талабларига риоя қилиш;
- ▶ техникавий эстетика талабларини бажариш, машиналар, асбоблар, жиҳозлар, пульталар сингари бошқарув воситаларини бадиий ихтиро қилиш.

Мехнатни муҳофаза қилиш - давлатимизни иқтисодий ва социал сиёсатининг энг мухим йуналишларидан биридир. Корхоналарда, жамоа хўжаликлари ва фермерлик хужаликларида хавфсиз ва зарарсиз технологик жараёнлар, асбоб - ускуналар ва машиналар жорий этилмоқда. Улар хавфсизлик талаблари ҳисобга олинган ҳолда яратилган. Ишлаб чиқаришдаги -техника хавфсизлигининг ҳолати устидан давлат, идора ва жамоат назорати урнатилган.

Хавфсиз меҳнат - меҳнат шароитининг ҳолати, қайсидаги ишлаб чиқариш хавфи бўлмаса, одам организмга ва ишловчиларга хавfli ва зарарли хавфи бўлмаса, одам организмларига ва ишловчиларга хавfli ва зарарли ишлаб чиқариш омили содир қилмаслигидир.

Хафсизлик техникаси - бу ишлаб чиқаришдаги хавфли омилларнинг ишловчиларга таъсирининг олдини оладиган ташкилий чора- тадбирлар ва техника воситалари тизимидир.

Ишлаб чиқариш санитарияси- бу ишлаб чиқаришдаги зарарли омилларнинг ишловчиларга таъсирининг олдини оладиган ёки камайтирадиган ташкилий чора - тадбирлар ва техника воситалар тизимидир.

Эргономика - илм, одам - машина - мухит тизимини урганувчи соҳадир. Бунга куйидаги саволлар киради.

- Трактор ва комбайнлардаги уриндик, (сидения) ва бошқарув органларни жойлашганлиги ва тузилиши, қайси ишлар касб касаллигидан, холсизланишидан ва авария холатларини хосил бўлишини ўрганиш.
- Ишлаб чиқариш эстетикаси - ишлаб чиқариш мухитини ташкил қилиш, қайсини гигиена - психологик ва физиологик талабларига жавоб беришлигини ўрганиш.
- Бунда ерга ишчиларни чиройли ва маъқул ишлаб чиқариш кийимлари билан таъминлаш, иш жойда тартиб ва тозалликни сақлаш, ишлаб чиқариш ва маиший хоналарни рационал тузилиши ва ранглар уйғунлиги, ховли ва ишлаб - чиқариш хоналарини кукаламлаштиришганлигидан иборат.

Ишлаб чиқаришдаги зарарли омил - ишловчиларга маълум шароитларда таъсир этганида касалланишга ёки иш қобилиятининг пасайишга олиб келадиган омил.

Шикастланиш - ишлаб чиқаришдаги зарарли ёки хавфли омиллар таъсирида одам органлари ёки тери қатламининг физиологик бир бутунлигининг бузилиши.

Мехнат шароити - бу ишлаб чиқариш мухитининг меҳнат жараёнида одамнинг саломатлиги ва иш қобилиятига таъсир этадиган омиллари мажмуидир. Шахсий муҳофаза воситалари - булар битта ишловчи ходимини муҳофаза қилиш учун хизмат қиладиган воситалар.

Шахсий муҳофаза воситалари - булар битта ишловчи ходимини муҳофаза қилиш учун хизмат қиладиган воситалар.

Хавфли ва зарарли омиллар уз табиатининг таъсирига қараб физикавий, кимёвий, биологик ва психофизиология булади.

1. Бажарилаётган иш физик оқирлигига кура енгил, уртача ўткир ва оғир ишларга булинади:
 - **енгил иш деб**, купинча утириб ёки юриб бажариладиган ишларга айтилади. Бундай ишларни бажариш учун хаммаси булиб 628,5 кг ж/с (150 кпал/с) дан кўп энергия сарфланмайди.
 - **ўтача оғир ишларни** бажаришда энергия сарфи 628,5 дан то 1047,5 кг.ж/с (150-250 кпал/ с)гача булади. Бундай ишлар купинча 10 кг гача оғир юкларни кутариш билан боғлиқ бўлган ишлар хисобланади.
 - **оғир ишлардаги** энергия сарфи 1047,5 кгж/с (250 кпал /с) дан кўпроқ, булиб, бунда 10 кг дан кўп юк кутарилади.

МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР



МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР.

1. ТАШКИЛИЙ ОМИЛЛАР
2. ТЕХНИК ОМИЛЛАР
3. САНИТАР-ГИГИЕНИК ОМИЛЛАР
4. СОЦИАЛ –МАИШИЙ ОМИЛЛАР
5. ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАР
6. ТАБИИЙ ИҚЛИМИЙ ОМИЛЛАР
7. ПСИХОФИЗИОЛОГИК ОМИЛЛАР
8. ЭРГНОМИК ОМИЛЛАР

2. Ишлаб чиқаришдаги шикастларни ва касалланишларнинг барча сабабларини шартли равишда куйидагиларга бирлаштириш мумкин.

Ташкилий, техникавий, санитария - гигиеник, психофизиологик, иктисодий ва ходимларнинг айби билан буладиган сабаблар.

Ташкилий сабаблар - иш ўринларини ускуна, мослама ва ёрдамчи асбоблар билан яхши таъминланмаганлиги, юк кутариш воситалари, ишда ўқимаган ёки етарли малакаси булмаган кишилардан фойдаланилганлиги киритиш мумкин.

Техник сабаблар - ускуна ва мослама ларнинг бузуклиги, туфайли қурилмаларининг, тормоз системасининг ва гидравлик системаларининг бузукликлари киради.

Санитария-гигиена сабаблари - иш ўрнидаги ноқулай микро иқлим (температура, ҳаво намлиги ва ҳаракат тезлиги параметрлари жихатидан қулай меҳнат шароитларига мувофиқ келмаслиги), ёритилганлик даражаси, иш урнининг ивирсиб ётиши ва ифлослиги, маиший хоналарининг йўқлиги киради.

Психофизиологик сабабларига - ишнинг ҳамиша бир хиллиги, меҳнатни кучли жисмоний ҳизгинлиги, иш шароитларига одам организмни психологик анатом - физиологик мойил келмаслиги, чарчаш, жамоатчилик ичида психологик шароитининг ҳониқарсизлиги киради.

Ихтисодий сабабларга - меҳнат муҳофазаси масалаларига совуқонлик муносабатида бўлиш билан бир каторда, иш ҳақини ва ишчиларни юқори иш унумига эришишга интилиши, меҳнат шароитларини яхшилаш тадбирларига етарли маблағни ажратмаслиги ва бошқалар сабаб бўлиши мумкин.

Адабиётлар

1. Benjamin O. ALLI. Fundamental principles of occupational health and safety. Geneva. 2008.
2. Jeremy Stranks. Health and Safety Pocket Book. Published by Elsevier Ltd. 2006.
3. S.Gazinazarova, E.Ibragimov, O.Yuldashev, S.Asilova. Hayot faoliyati xavfsizligi. T.: 2010.
4. S.Gazinazarova, I.Axmedov, B.Muxamedgaliyev, A.Xojiyev. Ekologik xavfsizlik. T.: 2013 y.
5. I.Axmedov. Ishlab chiqarish jarayonlari xavfsizligi. T.: 2012 y.
6. Yormatov G'.YO. va boshqalar. Hayot faoliyati xavfsizligi. – T.: “Aloqachi”, 2009 yil. – 348 b.
7. T.Haydarov. Ergonomik biomexanika. T.: 2011 y.
8. Nigmatov I., Tojiev M. X. "Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi" Darslik.-T.: Iqtisod-moliya. 2011. -260b.

9. Tojiev M. X., Nigmatov I., Ilxomov M. X. «Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi» O'quv qo'llanma. –T.: “Iqtisod-moliya”, 2005. -195 b.

10. Норхўжаев А.Қ., Юнусов М.Ю. Фавқулодда вазиятлар ва муҳофаза тадбирлари. –Т.: „Университет”, 2001.

11. Тожиев М.Х., Нигматов И ва б. "Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси". Ўқув қўлланма. –Т.: МЧЖ., Таълим манбаи, 2002. -224 б.

12. Юнусов М.Ю., Икромов Э.Ж. Фуқаро муҳофазаси - доимий зарурат. –Т.: 2002.

13. Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент: Ўзбекистон 2016 й. 56 б.

14. Ш.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-488 б.

Саволлар:

1. Мустақил Давлатимизни ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазасини яхшилаш йулидаги фармойиш ва қонунлари қайсиларни биласиз?
2. Ишлаб чиқаришдаги хавфли ва зарарли омил нима?
3. Меҳнат гигиенаси нима ва у қандай таъминланади?
4. Меҳнат гигиенасининг асосий йўллари?
5. Меҳнат муҳофазаси қилиш деганда нимани тушинасиз?
6. Эргономика нима?
7. Меҳнат шароитини юксалтиришга таъсир этувчи омиллар?
8. Ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касалланишнинг сабаблари нимадан иборат?